

самарадорилик кўрсаткичлари тажриба давомида жўжаларнинг сақланувчанлик фоизига, ҳамда тирик вазнидаги фарқларига қараб баҳоланилди.

Олинган натижалар: Илмий тадқиқот ишларининг лаборатория тажрибалари учун «Оҳалик Ломанн Парранда» товукчилик қўшма корхонасидан 1 кунлик «Ломанн Бироунн Классик зотига маънсуб жўжалардан институт вивариясига олиб келиниб тўшамалар устига жойлаштирилди. Улардан бирданига 3 та гуруҳ тузилди. Жумладан: биринчиси қиёсий назорат гуруҳи бўлиб тоза озиқа билан боқилди. Иккинчи тажриба гуруҳи жўжаларига биостимуляторлик хусусиятига эга бўлган госсипрен препаратидан тавсияномасига асосан жўжаларнинг 1–20 кунлигигача 500 мг/кг озиқа билан берилди. Учинчи тажриба гуруҳининг жўжаларига эса 30 кун давомида мецитозин препаратидан 40 мг/кг озиқа билан берилди. Қўлланилган биостимуляторларнинг самарадорлик кўрсаткичлари 30 кунлик тажриба даврида жўжаларнинг сақланувчанлик даражасига қараб ва тажриба охирида бир бош жўжанинг тирик вазнининг ошишига қараб баҳоланди. жадвал

Жўжаларнинг ўсиб ва ривожланишига биостимуляторларнинг таъсири

№	Гуруҳлар номи	Препаратлар номи	Дозаси	Жўжаларнинг бош сони	Сақланувчанлиги (%)	Бир бош жўжанинг тирик вазни (гр)	Фарқи (± г)
1	Назорат гуруҳи	-	-	10	90	260	-
2	Тажриба	Госсипрен	500 мг/кг озиқа билан –20 кун	10	100	310	+50
3	Тажриба	Мецитозин	40мг/кг озиқа билан – 30 кун	10	100	290	+30

Олиб борилган 30 кунлик тажриба натижалари шуни кўрсатдики, биринчи қиёсий назорат гуруҳидаги жўжаларнинг сақланувчанлик даражаси 90% ни, бир бош жўжа тирик вазни 260 г ни ташкил қилди. Иккинчи тажриба гуруҳидаги жўжалар госсипрен биостимуляторни қўлланмасига асосан 500 мг/кг озиқа билан 1 кунлигидан бошлаб то 20 кунлигигача узлуксиз равишда озиқа билан берилганда уларнинг сақланувчанлик даражаси 100 % ни ва тажриба охирида бир бош жўжа тирик вазнининг ўсиши 310 г ни ташкил этди. Бу кўрсаткич қиёсий назорат гуруҳидаги жўжаларнинг ҳар бир бошининг тирик вазнидан 50 г га оғир.

Учинчи тажриба гуруҳидаги жўжалар мецитозин препаратини 30 кун давомида 40 мг/кг озиқа билан берилганда уларнинг ҳам сақланувчанлик даражаси 100 % ларни, ҳамда тажриба охирида бир бош жўжанинг тирик вазни 290г ни ташкил этди. Бу кўрсаткич қиёсий назорат гуруҳидаги жўжаларнинг ҳар бир бошининг тирик вазнидан 30 г га оғир.

Хулоса: Шундай қилиб, олинган лаборатория тажрибаларининг натижаларидан хулоса қилинганда барча биостимуляторлик хусусиятига эга бўлган препаратлар паррандаларнинг сақланувчанлик даражасини 100% га сақлабгина қолмасдан ҳар бир препаратнинг жўжалар тирик вазнининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

ҚЎЙЛАРНИНГ НАФАС ТИЗИМИНИНГ СТРОНГИЛЯТОЗЛАРНИНГ ЭПИЗООТОЛОГИК ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ

Р.Расулов - магистратура талабаси

Ўзбекистонда табиий иқлим шароитида қўйчиликни ривожлантириш учун қулай, мазкур соҳа чўл ва яйлов ҳамда тоғ ва тоғ олди минтақаларида кам харажат сарф қилган ҳолда сифатли маҳсулот етиштириб аҳолини гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни, саноатнинг эса жун чарим ва қорақўл терида бўлган талабни қондиришда муҳим рол

ўйнайди. Бироқ қўйчиликни, жумладан қоракўлчиликни ривожлантиришга, унинг самарадорлигини оширишда турли инфекцион ва инвазион касалликлар тўсиқ бўлмоқда. Булар ичида гельминтозлар асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Республикамизда олиб борилган қўйчиликда илмий тадқиқотлар Н.В. Баданин, 1940; Й.Д. Николайским, 1961; Д. Азимов, 1963; Э.Х. Эргашев, 1973; Ш.А. Азимов, 1974; Б.С. Салимов, 1994; А.О. Орипов, 2000 ва бошқалар қорва молар орасида фасциолёз, дикроцелиоз, мониезиоз, ошқазон – ичак стронгилятозлари, диктиокаулёз каби гельминтозлар анча кенг тарқалганлиги ва улар қорвачилика катта иқтисодий зарар етказиши, айрим ҳолларда ҳатто касалланган молларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлишни тасдиқлайди. Шу сабабли қўй гельминтозларини ўрганиш ва олдини олиш ҳамда даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш амалиётга тадбиқ этиш халқ хўжалиг учун аҳамиятли муаммолардан биридир.

Республикамиз вилоятларида қўй гельминтозларининг тарқалишни аниқлаш натижасида шуни кўрсადики қўйларнинг гельминтлари билан умумий зарарланганлиги 30 - 50 % ташкил қилади яни текширилган. Самарқанд вилоятида 260 бош текширилган қўйларнинг 130 таси 50 % умуман гельминтозлар билан зараланган бўлса улардан 40 бош қўй 18 % ошқазон – ичак стронгилятозлари 20 бош қўй 9.2 % диктокаулиоз, 4 % қўйлар простостронгилиоз билан зарарланган. Юқоридаги маълумотлар таҳлилидан қуйдагилар аниқлаган.

Республиканинг турли вилоятларида қўйларнинг гельминтозлар билан зарарланган буларнинг қўзғатувчилари айниқса диктокаулиолар, ошқазон–ичак стронгилятлари – маршаллагия нематоадирус остертагия гемонх ва бошқалар патогенли хусусиятлари юқори бўлиши ҳамда бу гельминтларнинг нисбатан кенг тарқалганлиги ва қўйларнинг юқори даражада интинсевликда зарарланишни ҳисобга олиб қўйларнинг асосий гельминтозлардан ташқари фасцилиоз мониезиоз ошқазон–ичак стронгилятозлари ва диктокаулиоз касаликлари кўп тарқалган. Бу гельминтозларга қарши профилактика ва даволаш чора тадбирларини режа асосида ва доимий равишда олиб бориш лозим.

Қўйларнинг диктокаулиоз қилқўрт касалиги Ўзбекистонда йил давомида учрайди ошқазон-ичак ва нафас олиш органлари стронгилятозлари билан кўпроқ барча ёшдаги бўлган моллар чалинади, катта ёшдаги хайвонлар паразит ташувчи бўлиб хизмат қилади. Касалик базан моллар орасида энзотия кўринишида кечиб касалланган хайвонларнинг 15-17 фоизи нобуд бўлиши мумкин. Бу касалик қўзғатувчилари ўрта хажимдаги нематодалар бўлиб кўпчилиги геогелминтлар айрим вакиллари простостронгулиоз авлоди вакиллари биогелминт бўлиб оралиқ хў жайини иштирокида ривожланади. Касаликни килиник белгилари хайвони ёш ва инвазиянинг интинсевлигига боғлиқ ҳолда номаён бўлади.

Ошқазон–ичак стронгилятозларида ҳолсизланиш овқат ҳазим қилиш органлари фаолиятни бузулиш иштахани пасайиш ич ўтиш [айримларда қон аралаш] кузатилади, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиш ва махсулдорликни кескин камайиш кузатилса нафас олиш орган стронгилятозларида нафас олиш органи фаолиятининг издан чиқиши йўтал пайдо бўлиш бурундан серозли суюқлик оқиши кузатилади. Бу қўзғатувчиларнинг кўплари биологик ривожланишда бир–бирга ўхшашлигини инобатга олиб уларга қарши курашиш чораларни комплекс амалга ошириш керак.

Ошқазон–ичак стронгилятозларига аниқ ташхиш лаборатория шароитида тезак намунасини икки усулда гельминтооаскопия ва гельминтоларваскопия усуллари [қўзғатувчиларни турни аниқлаб] ёрдамида қўйилади.

Нафас олиш стронгилятозлари эса тезак намунасини гельминтоларваскопия усулида текшириб паразит личинкаси топиш асосида қўйилади. Булардан ташқари албатта эпизоотологик маълумотларга асосланиб килиник белгилари инобатга олиш ҳамда патантомик ўзгаришлар инобатга олиш шарт.

Даволашда кўплаб антигельминтик дорилар қўлланади. Ош тузи, албендазол, мис купорас аралашмасидан 0.4 мг/г миқдорда эркин ҳолда ейиш, фенбендазол (панакур) 5-10 мг/кг бир марта оғиз орқали, мецалбен 5 мг/кг тирик вазнига нисбатан суспензия ҳолда ичириш тавсия этилади.